




UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@gmail.uz



ТИББИЁТИМИЗ ТАРИХИДА НОЁБ ЛОЙИҲА

Пойтахтимизда тиббиёт ва илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида қад ростлаган Болалар миллий тиббиёт маркази фаолият бошлади.

Лойиҳа қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур тиббиёт маркази Корея Республикаси иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик фонди (EDCF) иштирокида барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 20 май куни қурилиши якунланган мазкур марказга ташир буюриб, тегишли тақлиф ва тавсияларини берган эди.

Марказнинг фаолият бошлаши муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда тиббиёт ходимлари, корейлик меҳмонлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатувчи ушбу марказда кардиохирургия, нейрохирургия, ортопедия ва пластик хирургия, умумий хирургия, онкология, офтальмология, ЛОР, педиатрия, гемодиализ ва реанимация бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган.

Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 ўринга эга, марказ таркибидagi поликлиника кўнига 250 нафаргача беморни қабул қилиш имкониятига эга. Марказ магнит резонансли томография, мультиспираль компьютер томография, замонавий лаборатория ҳамда онкологик касалликларни бир неча йил ол-



дин аниқлайдиган замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозланган. Тиббиёт муассасида йилига 1 минг 500 дан кўпроқ мураккаб ва ноёб амалиётларни бажариш имконияти мавжуд.

Марказда ишлайдиган кадрлар малакасини ошириш бўйича қўшма лойиҳалар доирасида 100 нафардан ортиқ врач ва ҳамширалар, медтехник ва ахборот технологиялари бўйича мутахассислар Корея Республикасида малака ошириб қайтди.

Марказда болалар тиббиётининг турли йўналишлари бўйича инновацион изланишлар олиб бориш, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда мураккаб жарроҳлик амалиёти ва юқори технологик муолажаларни ташкил этиш, тиббиёт мутахассислари малакасини ошириб бориш кўзда тутилган. Шунингдек, телемедицина

орқали узоқ ҳудудлардаги болаларга ҳам ёрдам кўрсатилади.

Маълумотларга кўра, келгусида марказ ҳудудда Корея Республикаси билан ҳамкорликда юқори технологияларга асосланган замонавий онкология тиббиёт маркази ва тиббиёт олий ўқув юрти бунёд этилиши режалаштирилган. Бундай йирик тиббиёт комплекси ташкил этилиши ҳам тиббиёт илми, ҳам амалиётни энг илғор стандартлар даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Бехзод Мусаев, соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Кан Чже Квон иштирок этди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида «Замонавий қурилиш материаллари ва буюмларини тайёрлаш жараёнида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштиришнинг муаммо ва ечимлари» мавзусида онлайн платформаси асосида республика илмий-амалий конференция ўтказилди.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўлида

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг Қурилиш материаллари буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш кафедраси томонидан ташкил этилди. Унда Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Акмал Шукуров, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири бошқарма бошлиғи Азамиддин Қулдашев ва СамДАҚИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Эркин Исаковлар сўзга чиқиб, бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида таъкидлаб ўтишди.

Онлайн платформаси асосида ўтказилган анжуманда республикадаги мавжуд турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона-ташкилот-вилоят ҳокими мутахассислари, олимлар иштирок этиб, ўз маърузаларини тақдим қилишди, онлайн тарзда берилган саволларга жавоб қайтаришди.

«Ўзбекистон Республикасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари», «Полистирол бетоннинг ўрточа зичлиги, унинг сув шимувчанликка таъсирини тадқиқотлаш», «Ангрен ГЭС кўли ва микрокремениземли кам сув талабчан боғловчи хусусиятлари», «Саноат чиқиндилари асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг истиқболлари», «Гипс асосида қуруқ қурилиш қоримасига ўсимлик ва ёғоч қилиқларини қўллаш самарадорлиги» каби мазмунли маърузалар талабалар учун қизиқarli бўлди.

Конференцияни Тошкент, Самарқанд ҳамда республикамиздаги бошқа вилоятларидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ZOOM платформаси орқали онлайн кузатиб бориш имкониятига эга бўлди. Тадбир иштирокчилари шўбаларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Қизгин музокараларда республикамиз қурилиш индустриясида, хусусан, бир-биридан кўрак ва ҳашаматли бинолар барпо этишда қурувчи-муҳандисларнинг билимини янада ошириш борасида тақлифлар билдирилди. Шунингдек, бўлажак мутахассисларнинг тажриба ва кўникмалари асосида халқаро стандартлар даражасидаги мутахассисларни тайёрлашда ва уларни меҳнат бозорига сафарбар этишда фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясининг такомиллашувида мавжуд муаммо, уларнинг ечимлари тўғрисида инновацион гоялар ҳамда лойиҳалар бўйича муайян тақлиф ва хулосалар берилди.

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«Ақлли шаҳар» мўъжизалари

Бугунги кунда юртимизнинг қаерига борманг, кенг миқёсда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз. Пойтахтдан тортиб энг олис қишлоққача – ҳамма ерда янги-янги бино ва иншоотлар қад кўтармоқда. Замонавий инфратузилма тармоқларини барпо этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг ҳаммаси аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишдай олижаноб мақсадга хизмат қилиши билан диққатга сазовордир.

Ўн саккиз гектар майдонда Namangan Square номли «ақлли шаҳар» қурилиши бошланди, деган хабарлар матбуот ва интернет-нашрлар, бошқа оммавий ахборот воситаларида тарқалганига бир йил бўлиб қолди деди. Чиндан ҳам бугунги кунда «ҳаво дарвозаси», яъни Наманган халқаро аэропорти яқинида жойлашган улкан қурилиш майдончасида бунёдкорлик ишлари қизгин кетаётганини кўриш мумкин. Турли бинокорлик материаллари орگان юк машиналари бу ерга пешма-пеш келиб

турибди. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, улар ҳар дамни ғанимат билиб, шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Шу ўринда «ақлли шаҳар» деган иборанинг ўзига қисқача тушунча берсак. Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармаси ходими, тажрибали меъмор Одиложон Қодиров бу ҳақда шундай дейди:

– Жаҳон миқёсида шаҳарсозлик анъаналарида ўзига хос инкилоб яратган бу тушунчанинг юзага келганига нисбатан кўп бўлгани йўқ. У ахборот ва коммуникация

технологиялари тараққиёти ҳамда шу соҳадаги ютуқларнинг шаҳарсозликда кенг фойдалана бошлангани билан боғлиқ. Яъни, АКТ ва Интернет имкониятлари шаҳарни, айниқса, унинг инфратузилмасини замонавий усулларда бошқаришга йўл очади. Бу эса транспорт, таълимдан тортиб соғлиқни сақлаш ва уй-жой, коммунал хизматига – ҳамма-ҳаммаси янада юқори ва мукаммал даражага кўтарилади, демекдир. Шу туфайли аҳолининг турмуш фаровонлиги кескин ошади, уларнинг барча эҳтиёжлари янада тўларақ қондирилади.

Дарвоқе, Фарғона водийсида биринчи ҳисобланган «Namangan Square» «MJ Developers» халқаро қурилиш компанияси томонидан амалга оширилаётганини айтиб ўтиш лозим. «Ақлли шаҳар» лойиҳаси машҳур ҳинд меъмори Ҳафиз Контрактор томонидан ишлаб чиқилган. Унинг эътиборли

жиҳатлари орасида илғор «яшил технология»лардан кенг фойдаланилганини, бу ерда нафақат яшаш ёки бизнес юритиш, балки дам олиш ва спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилишидир.

«Шаҳар ичидаги шаҳар» умумий майдонининг ярмидан ортигини яшил ҳудудлар эгаллайди. Улар ноёб ландшафт дизайнидаги хиббонни, гольф майдонини, дарахзорлар билан ўралган югуриш ва велосипед йўлакларини ўз ичига олади. Баскетбол, теннис, футбол, воркаут ҳамда скейтинг муҳлислари ҳам ўзларининг сеvimли машғулотлари билан шуғуллана оладилар. Ҳар бир нарсда замонавийлик ва қадимий анъаналар уйғунлаштирилади.

Лойиҳага кўра, «Namangan Square»да 10 минг киши яшайди. Турар жойлар асосан беш ва тўққиз қаватли бўлади. Шаҳарча аҳолиси кенг, ёруғ ва шинам хо-

надонларда истиқомат қилади. Улардаги ҳарорат ҳам доим мўътадил – қишда илиқ, ёзда салқин бўлади. Марказда иккита «осмонўпар минора» – 20 қаватли эгизак бинолар ҳам қад ростлайди. Улар нафақат шаҳарчанинг, балки бутун Наманганнинг рамзига айланади.

Вилоятда халқимизнинг буюк ўтмишини ўзида мужассамлаштирган манзиллар бисёр. Улар орасида қадимий Ахсикент халқлари ва «Чуст маданияти»га доир ашёлар, Косонсойдаги Муғ қалъаси, Поппадаги Мунчоқтапа ёдгорликлари, бошқа кўплаб тарихий меъморий ёдгорликлар бор. «Namangan Square» эса уларнинг мантқиқий давоми бўлиб, юртининг келажакка интилаётганини тасдиқлайди, ҳар бир кишининг руҳини кўтарайди ва кайфиятини яхшилайди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
журналист.

GRAND ROAD TASHKENT

Дополните образ вашего объекта с помощью брусчатки от **GRAND ROAD TASHKENT!**

НА СЕГОДНЯШНИЙ ДЕНЬ БРУСЧАТКА И ТРОТУАРНАЯ ПЛИТКА НЕЗАМЕНИМЫ В КАЧЕСТВЕ ДОРОЖНОГО ИЛИ НАПОЛЬНОГО ПОКРЫТИЯ. ДАННЫЕ УНИВЕРСАЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ ОЧЕНЬ ХОРОШО ЗАРЕКОМЕНДОВАЛИ СЕБЯ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ.

ПРОИЗВОДСТВЕННАЯ БАЗА КОМПАНИИ ОСНОВАНА НА ТУРЕЦКИХ АВТОМАТИЗИРОВАННЫХ ЛИНИЯХ ERMAK ДЛЯ ИЗГОТОВЛЕНИЯ МЕЛКОШТУПНЫХ БЕТОННЫХ ИЗДЕЛИЙ МЕТОДОМ ВИБРОПРЕССОВАНИЯ. КРОМЕ ВЫСОКОЙ ЭСТЕТИЧНОСТИ, БЕТОННУЮ БРУСЧАТКУ ОТ КОНКУРИРУЮЩИХ МАТЕРИАЛОВ ВЫГОДНО ОТЛИЧАЕТ РАЗНООБРАЗИЕ ФОРМ, ДОЛГОВЕЧНОСТЬ И ПРАКТИЧНОСТЬ.

КОМБИНИРОВАННЫЕ ВАРИАНТЫ РАСКЛАДКИ БРУСЧАТКИ ИЗ РАЗНЫХ ЦВЕТОВ ОТЛИЧНО ВЛИСАЮТСЯ В ДИЗАЙН ЛЮБОГО ОБЪЕКТА И ПРИВНОСЯТ СВОЮ ЛЕПТУ В ОФОРМЛЕНИЕ ЛАНДШАФТА.

СОВРЕМЕННАЯ СТРОИТЕЛЬНАЯ КОМПАНИЯ «GRAND ROAD TASHKENT» СПЕЦИАЛИЗИРУЕТСЯ НА ПРОИЗВОДСТВЕ ТРОТУАРНОЙ ПЛИТКИ РАЗЛИЧНЫХ ОТТЕНКОВ, КОТОРЫЕ ИСПОЛЬЗУЮТСЯ ДЛЯ ВОЗВЕДЕНИЯ САДОВЫХ ДОРОЖЕК, ТРОТУАРОВ, МОЩЕНИЯ ДВОРОВ И УЛИЦ.

БОЛЕЕ ПОДРОБНУЮ ИНФОРМАЦИЮ ВАМ ПРЕДОСТАВЯТ МЕНЕДЖЕРЫ КОМПАНИИ ПО СЛЕДУЮЩИМ НОМЕРАМ:

+998 95 410 10 10
+998 71 210 10 10
+998 95 620 10 10

GRANDROAD.UZ

Реклама

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий илм-фан, санъат ва адабиёт ҳомийси эди.

Алишер Навоий масжиди қайта тикланди

Тақдир у кишини замонанинг улуғ ва шарафли кишиларига яқин қилди, устоз-мураббийлар билан ошно этди. Ёшлик чоғларидан Амир Темуր тарих-чиси Шарафиддин Али Яздий, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий каби улуғ мутафаккирларнинг суҳбатидан баҳраманд, уларнинг таҳсини ва ҳайратига сазовор бўлди.

1466-1468 йилларда Алишер Навоий Самарқандда яшади ва Фазуллуллоҳ Абулайс мадрасасида таълим олди. 1469 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаганда Навоий 28 ёшда, мукаммал билимлар эгаси, юртга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етган эди. Бойқаро 1472 йилнинг февралда уни вазир лавозимига тайинлайди ва «Амири Кабир» («Улуғ Амир») унвонини беради. Бу лавозимдан Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланадики, буларнинг барчаси пировард натижада Султон Ҳусайн давлатининг барқарорлиги ва нуфузини таъминлади.

Ҳирот бу даврда ниҳоятда кўркамлашди, халқ турмуши яхшиланди, шеърят, нафис санъат турлари ривож олди. Талабалар учун «Ихлосия» мадрасаси, дарвешлар учун «Халосия» хонақоҳи, беморлар учун «Шифоия» шифохонаси, масжиди жоме ёнига қорихона («Дор ул ҳуф-фоз») қурилди. Улуғ амирнинг кутубхонасида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввир қўлёзмаларни оққа кўчириш, уларни бадийи безаш билан банд эди. Ҳиротда яна «Низомия», Марвда «Хусравия» ва бошқа мадрасалар бино этилди.

Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шохрухий динор миқдориде эди. Улуғ Амир бу даромадининг кўп қисмини хайриот ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган 52 рабoт, 20 ховуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни эслайди.

Алишер Навоий қурган мадраса, масжид, такка, рабoтлар юз йиллар давомида Хуросон халқларига хизмат қилди. XIX-XX асрларда Афғонистонда юз берган низо ва тўқнашувларда Ҳирот бир неча марта вайрон этилди, улуғ бобомиз қурган бинолар

ҳам жиддий зарар кўрди. Ҳатто Навоийнинг мақбараси ҳам шикастланиш ва қаровсизликдан хароб ҳолга тушди. 2015 йилда ўзбек усталари иштирокида Ҳазратнинг қабртоши ва мақбараси тикланган ва бу ҳол барчамизни севинтирган эди. Давлатимиз раҳбарининг кўни кеча қабул қилинган қарорига кўра, 2021 йилда аллома таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан Ҳиротдаги бу мақбара таъмирланади.

Туркия Ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TICA) ҳам савобли ишга қўл урди. Туркий халқларнинг ғурури ва ифтихори бўлган улуғ шоир ва мутафаккир томонидан Ҳиротда қурдирилган обидаларни таъмирлаш ва тарихий-меъморий мерос сифатида халққа қайтариш ишларини олиб бормоқда.

Яқинда Ҳиротнинг Гузаргоҳ мавзеида Навоий томонидан қурдирилган жоме масжиди ТiКAnинг Ҳирот ваколатхонаси ташаббуси ва молиявий кўмаги билан таъмирланди. Аслига монанд тарзда амалга оширилган реставрация, кўли гул усталар томонидан ишланган ғиштин ва чўбин безаклар улуғ аждодимиз томонидан меҳр ва эътиқод билан қурдирилган обиданинг янгидан чирой очилишига сабаб бўлди.

Қайта тикланган масжиднинг очилишида Ҳирот губернаторининг ўринбосари Нур Аҳмад Ҳайдарий, Ҳирот шаҳри зиёратгоҳлар ва вақфлар бошқармаси директори Абдуллоҳиқ Ҳақоний, Ҳирот университети ректори Абдулла Файз, гузаргоҳ комплексининг бошқарувчиси Мир Муҳаммад Алем иштирок этди ва Алишер Навоий номи билан боғлиқ тарихий обидаларни тиклаш, реставрация қилиш шаҳар аҳлини жуда мамнун этганини билдирдилар.

TICAnинг Ҳирот минтақаси дастури координатори Али Эргун Чинар Ҳиротда Алишер Навоий ва теурийлар билан боғлиқ осори-атиқаларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича ишлар давом эттирилишини маълум қилди.

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,
«Ипак йўли» туризм
халқаро университети
биринчи проректори, филология
фанлари доктори, профессор.
ЎзА.

ДАВЛАТОБОД Смарт Ситига айланади

Наманган шаҳри таркибида янги ташкил этилган Давлатобод тумани мамлакатдаги биринчи ақлли туманга айланади. Бу борада амалий ишлар бошланди.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида туманда 2020 йил охирига қадар 43 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа амалга оширилади.

Тасдиқланган «Йўл харита»сига асосан Давлатободнинг таълим, ер ресурслари, маҳалла, ижтимоий соҳа, туризм, ободонлаштириш, коммунал соҳа, савдо ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолияти тўла рақамлаштирилади. Бу ишлар учун маҳаллий бюджетдан 4,5 млрд сўм, ижроичилар маблағларидан 38,8 млрд сўм йўналтирилган.

Тумандаги мавжуд меҳмонхоналарда «Е-Меҳмон» ахборот тизими жорий этилди. Телекоммуникация инфратузилмаси ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш бўйича амалий ишлар давом этмоқда. «Афсоналар водийси» кўнгилочар боғи мижозларига хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш бўйича ахборот тизимини жорий этиш ишлари якунига етиш арафасида. Йил охирига қадар электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга

олишнинг ҳамда ташқи ёритиш чирокларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилади.

Тумандаги 19 та умумтаълим мактаб муассасаси, 9 та мактабгача таълим ташкилоти, 10 та соғлиқни сақлаш муассасаларига оптик толали алоқа линиялари тортиш ишлари тўла якунланади. Шу билан бирга, 24 та мактабгача таълим муассасаларида «Болалар боғчаси» намунавий ахборот тизими жорий этилади.

Худуддаги «Орзу» маҳалласида Обод ва хавфсиз маҳалла лойиҳаси амалга оширилади. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кўлама вилоятнинг қолган туманларидаги трансформация лойиҳалари ҳажмидан каттадир.

Таъкидлаш лозимки, Давлатобод туманини рақамлаштириш кўлами вилоятнинг қолган туманларидаги трансформация лойиҳалари ҳажмидан каттадир.

Ўз мухбиримиз.

Келажак авлод саломатлиги учун

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибидаги шаҳар болалар шифохонаси реконструкция қилиниб, 50 ўриндан иборат уч қаватли даволаш корпуси барпо этилди.

Президентимизнинг 2018 йил Фарғона вилоятига қилган ташрифи давомида берилган топшириқ асосида мазкур тиббиёт масканида амалда оширилган реконструкция ҳамда қурилиш ишларига 10 миллиард сўм маблағ сарфланди. Натижада бемор болалар учун зарур шароитлар яратилиб, янги тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, шаҳар бола-

лар шифохонасига тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун махсус жиҳозланган «Дамас» русумли енгил автомашина совға қилинди.

Бугунги кунда мазкур муассасада 335 нафар шифокорлар, ҳамшира ва кичик тиббиёт ходимлари шаҳарнинг 92 минг нафардан зиёд 18 ёшгача бўлган фуқароларга хизмат кўрсатишмоқда.

– Аҳолига, айниқса, болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш – бизнинг энг асосий вазифамиз, – деди шифохона очилишига бағишланган тантанали тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров. – Мазкур шифохонада болаларни малакали даволашни йўлга қўйиш, замонавий технологиялар асосида ташкил



этишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, бу ерда ёш шифокорларимизга инновацион изланишлар олиб боришлари, сифатли муолажаларни ташкил этишлари, ривожланган тиббиёт муассасаларида малака ошириш ишларини йўлга қўйиш аини муддао бўлади.

Шунингдек, Фарғона шаҳри марказида хорижий сармоядорлар иштирокидаги «Hayat world medical» хусусий тиббиёт маркази ҳам фойдаланишга топширилди.

Мазкур тиббиёт маскани маркази хизмат кўрсатиш тури бўйича водийда ягона бўлиб, «Asia Alliance Bank» томонидан ажратилган 1,2 миллион АҚШ долларлиқ кредит маблағи ҳамда 800 минг АҚШ долларлиқ Туркия инвестицияси асосида барпо этилди. Натижада 50 та янги иш ўрни яратилиб,

даволаш ишларига туркиялик ҳамда қозогистонлик шифокорлар ҳам жалб этилган.

Ҳар бир инсон учун берилган энг катта неъмат – бу фарзанд. Жамиятда ҳар бир биланнинг фарзандли бўлиши уларнинг бахтиёрлигини мустаҳкамлайди. Баъзи оилаларда эса тиббиёт нуктаи назаридан айрим муаммолар фарзанд кўришга тўсқинлик қилади. Қолаверса, бу оилаларни ажрашишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Тиббиёт марказида малакали шифокорлар замонавий тиббиётнинг янги методлари асосида ёш оилаларга ушбу муаммоларни бартараф этишга яқиндан ёрдам беради. Бу ҳар бир оила мустаҳкамлиги, аҳиллиги учун жуда катта восита.

Ўз мухбиримиз.

ЙЎЛСОЗЛИК

Равон, текис йўллар билан фахрланамиз

Самарқанд вилоятида 16 319 километр автомобиль йўли мавжуд бўлиб, унинг 4 097 километрини умумфойдаланишдаги, 12 222 километрини ички хўжаликлараро автомобиль йўллари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари ташкил этади.

Маълумотларга кўра, ушбу қатнов объекларининг яримдан ортиги таъмирга муҳтожлиги аниқланган. Бу аҳвол нафақат вилоят раҳбарлари, балки республика ҳукуматини ҳам ташвишга солаётган муаммога айланган эди. Шу боисдан 2020 йил бошидан мазкур ҳолатга барҳам беришга жиддий киришилди.

Белгиланган дастур ва топшириқларга асосан тизимли равишда барча йўлларни қуриш-таъмирлашга қатъий киришилди.

Президентимизнинг йўлларда транспорт воситалари қатновидаги шароитни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, муҳим, пийёдалар ҳаракати, одамларнинг ҳаловати, саломатлиги устувор бўлиши кераклиги тўғрисидаги қарорларини самарқандликлар ўзларига шиор қилиб олишди. Очиги, бугун ўтган даврда амалга оширилган ишлар кўламига разм солиб, ўзим ҳам «қилса, бўлар экан-ку», дея аноҳанносолгим келаётир. Зеро, йўлсозларимизнинг шижоатли меҳнати, тинимсиз интилиши, куч-ғайрати билан бажарилаётган кенг кўламли бунёдкорлик юмушларини эътироф этмаслик мумкин эмас. Алишер Навоий шожўчаси, Гулобод кўчаси, Кимёгарлар қургонидеги бир-биридан равон, текис ҳамда кўркам йўллар билан эндиликда барчамиз фахрланамиз.

Айни пайтда бошланган сайй-ҳаракатлар, короновирус пандемияси туфайли бироз сустлашганини назарда тутмасак, тобора қўлоч ёзиб, шаҳар ва туманларда қизгин давом эттирилмоқда. Самарқанддаги Рудакий ва Уста Умар Жўрақулов кўчаларида рўёбга чиқарилаётган яратувчилик меҳнатидан кўнгил таскин топишга шак-шубҳа йўқ. «Тўя гўшти еган», деб ном олган «Рудакий»да бажарилаётган ишларнинг ҳам ниҳояси кўриниб қолди. Бизнинг бюртмачимиз ва тайёрланган лойиҳага мувофиқ бош пудратчи – туркиялик М. Сенер раҳбарлигидаги «Mese yol» МЧЖнинг юздан зиёд ишчиси, 20 та техникаси тиним билмаётир. Эни 24 метр 6 полосали йўл жаҳон андозалари даражасига тўла мос тузишига аҳамият қаратилган.

Пудратчилар пийёдалар, велосипедлар юриш йўлаги, бетон ариқлар ётқизиш, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш юмушлари, шунингдек,



трамвай йўлини тартибга келтиришга астойдил киришган. Ичимлик суви ва оқова, электр, табиий газ, алоқа тармоқлари каби коммуникация тизимлари мукаммал бўлишига алоҳида эътибор берилди. Қўчаннинг ички томонига ўзга юртларда ўсаётган манзарали дарахтлар, буталар олиб келиниб, экилаётганлигида ҳам катта ҳикмат бор. Айтиш жоизки, замонавий шаҳарсозлик меъморий қоидаларига мос ва муносиб равишда барпо этилаётган кўча ақин кунларда таниб бўлмас даражада бўй кўрсатиши шубҳасиз.

Хуллас, 2020 йилда Самарқандда йўлсозликда янги давр бошланди, десак, мулобага бўлмайди. Вилоят автомобиль йўлларидан фойдаланиш бош бошқармаси ташаббуси билан ҳам бир туман, шаҳар, ҳам бир масалада ана шундай хайрли ишларга кенг қанот бағишланмоқда. Ҳукуматимиз, вилоят ҳокимлиги томонидан қурилишлар вақтида молиялаштирилаётгани, йўлсозларга чексиз ғамхўрлик кўрсатилаётгани ютуқлар омили бўляпти. Бинобарин, шу кунгача вилоятда маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 100 километрдан кўп 110 та кўчада 20 миллиард сўмлик ишлар бажарилгани эътиборга сазовор. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги «Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида»ги 415-сонли қарори ҳамда Инқирозга қарш қураиш бўйича жамғарилган катта ҳажмдаги маблағлар йўналтирилаётгани соҳа тараққиётига ижобий таъсир кўрсатаяпти. Йўлсозларни янада янги режаларни амалга оширишга, улкан бунёдкорлик ишларига чорлаяпти.

Суратда: самарқандлик йўлсозлар ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган.

Фурқат ЮСУПОВ,
«Самарқанд минтақавий йўлларга бўртмачи хизмати» ДУК директори.

Янгиланган Меҳрибонлик уйи фойдаланишга топширилди

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 29-сонли Меҳрибонлик уйи 1993 йилда Зарбдор туманининг Янги Бўстон қўрғонидеги 14-сонли мактаб негизда ташкил этилиб, 1994 йили Жиззах шаҳрига кўчириб келтирилган эди.

Орадан 26 йил ўтиб мазкур Меҳрибонлик уйи замонавий ҳолатга келтирилдиб, барча қўлайликлари билан тарбияланувчиларга фойдаланишга топширилди.

Тантанали маросимни вилоят ҳокими Эргаш Салиев очиб, бу ердаги тарбия-

ланувчиларнинг эришган натижалари ҳақида сўз юритгач, барчани янгиланган 29-Меҳрибонлик уйи билан табриклади.

Янгиланган 29-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларга барча шароитлар яратилган. Шинам хоналар, 120 ўринлик



замонавий ошхона, 8000 дан ортиқ китоблари мавжуд кутубхона, дарс қилиш учун барча шароитларга эга замонавий синфхоналар, тарбияланувчиларнинг маданий ҳордиқ олиши ва санъат билан шуғулланиши учун имкониятлар эшигини очди.

Тадбирда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг саҳнавий чиқишлари иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳудудлардан дараклар

Бўстонлик туманидаги «NCG C AND M» МЧЖ қўшма корхонаси ҳамда Кореянинг «GID CO.LTD» компанияси ҳамкорлигида «Қорамозор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Қўм-шағал ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Унинг умумий қиймати 2,1 млн АҚШ доллари бўлиб, барчаси тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобланади. Бугунги кунда Хитойдан замонавий асбоб-ускуналар олиб келинган ва уларни ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. Мазкур лойиҳа фойдаланишга топширилгач, 20 та иш ўрни яратилади.

Оҳангарон тумани «Телов» МФЙда 17-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий услубда бунёд этилган икки қаватли боғча «Обод қишлоқ» Давлат дастури асосида «Қушон дизайн қурилиш» МЧЖ томонидан барпо этилди. 150 ўринга мўлжалланган муассаса моддий-техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланди.

Жанубий корейлик Эн Чун Сон уч йилдан бери Ўзбекистонда корейс тилидан дарс беради. У Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги туризм соҳасини ривожланишга ҳам ҳисса қўиш ниятида. Шу мақсадда у Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида ўқувчилар учун ёғи ва қишки оромгоҳ барпо этмоқчи.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам. Замонавий инфратузилмани яратиш жараёнида бу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

«Аладин» дам олиш комплекси Янги-йўлдаги ажойиб масканлардан биридир. Лойиҳанинг ҳудуди 1,2 гектарни ташкил этади. Қурилиш жараёнига 10 млрд сўм кредит маблағи ҳамда шунча миқдордаги инвестиция киритилди. Дам олиш комплекси 1 300 нафар меҳмонни қабул қилиш қувватига эга.

Қйбрай туманида туркиялик инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «AGRODINAMIX» ҚК МЖЧ лойиҳасининг умумий қиймати 27 млрд 480 млн сўм бўлиб, замонавий иссиқхона мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.

«Дўстлик» МФЙ ҳудудидаги 3,35 гектар майдонда Нидерландия технологиялари асосида қурилган мазкур замонавий иссиқхонада 60 нафарга яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Қйбрай туманида янги мактабгача таълим муассасаси очилди. Мазкур боғча қурилган «Чинобод» қишлоғида бу каби таълим муассасасига эҳтиёж катта эди.

Мазкур замонавий боғча 75 ўринга мўлжалланган бўлиб, мавжуд гуруҳларга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ўғил-қизлар қамраб олинди. Яна бир янги очилган нодавлат мактабгача таълим ташкилоти «Болалар академияси»нинг қурилиб фойдаланишга топширилиши билан ҳудуддаги 100 нафар кичкинтойлар қамраб олинади.

Ўз мухбиримиз.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Бажариш муддати
1.	Навоий шаҳридаги 75 ўринли вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонасини пандемия вақтида вақтинчалик 150 ўринга мослаштириш	1 710 549 106	90 кун

Молиялаштириш манбаси: маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

Т/р	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Бажариш муддати
1.	Хатирчи туманидаги Амир Темур аҳоли пункти ҳудудидан ўтувчи Зарафшон дарёси тўғонини мустаҳкамлаш ва Ташлама, Найман коллекторларини ҳимоя қилиш	1 379 221 618	90 кун

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан.

Буюртмачи: Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.
Тел.: (79) 224-08-81.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Тақлифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер тақлифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги тақлифи бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиш мумкин: Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.
Тел.: (79) 220-50-03.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Тақлифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер эълони махсус ахборот порталида чоп этилган санадан тақлифларни очилиш кунини ва вақтигача қабул қилинади. Тақлифларни очиш муддати тендер махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 15 кундан кейин.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Бажариш муддати
1.	Хатирчи тумани, А. Навоий массивидаги Шулуктепа қишлоғидаги 77 та аҳоли хонадонлари, тиббиёт коллежи, Халимов массивидаги Худон қишлоғидаги 24 та аҳоли хонадонлари ҳамда Олтинсойнинг тез оқар канали дюкерини сел тошқин сувларидан ҳимоялаш мақсадида «Оқолтинсой» сойининг 7 км қуйи қисми ўзинини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш (2-босқич)	769 962 175	90 кун

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Буюртмачи: Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.
Тел.: (79) 224-08-81.

Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: тақлифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов тақлифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Фуқаро Камилов Абдулла Нигматжановичга тегишли Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Астрабод 1-тор 1-берк кўчаси, 10-уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**

«ZAR AUKSION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 24 ноябрь куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар Сергели тумани, Шокирарик кўчаси, 100-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Сергели туманидаги хууссий нотариал идораси томонидан ёзилган 2020 йил 14 октябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган занжир, узук, биллакузук, зирак ва бошқалар) ООО «GOLD FINANCE BUSINESS» томонидан қўйилмоқда:	12. 202001957001153-ижро 3 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 346 737,60 сўм.	хатига асосан 1 346 737,60 сўм.	29. 202001957001136-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 171 995,40 сўм.	хатига асосан 1 171 995,40 сўм.	46. 202001957001119-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 2 541 507,00 сўм.	хатига асосан 2 541 507,00 сўм.
1. 202001957001164-ижро 5 дона буюм, бошланғич баҳоси – 6 828 310,60 сўм.	13. 202001957001152-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 560 924,47 сўм.	хатига асосан 1 171 308,13 сўм.	30. 202001957001135-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 600 525,56 сўм.	хатига асосан 882 062,80 сўм.	47. 202001957001118-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 343 445,00 сўм.	хатига асосан 810 973,00 сўм.
2. 202001957001163-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 942 889,91 сўм.	14. 202001957001151-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 171 308,13 сўм.	хатига асосан 286 209,32 сўм.	31. 202001957001134-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 882 062,80 сўм.	хатига асосан 924 123,30 сўм.	48. 202001957001117-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 810 973,00 сўм.	хатига асосан 677 855,00 сўм.
3. 202001957001162-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 498 412,34 сўм.	15. 202001957001150-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 286 209,32 сўм.	хатига асосан 328 324,30 сўм.	32. 202001957001133-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 362 380,13 сўм.	хатига асосан 1 007 266,50 сўм.	49. 202001957001116-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 677 855,00 сўм.	хатига асосан 4 702 503,00 сўм.
4. 202001957001161-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 660 579,51 сўм.	16. 202001957001149-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 328 324,30 сўм.	хатига асосан 696 162,26 сўм.	33. 202001957001132-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 007 266,50 сўм.	хатига асосан 401 101,47 сўм.	50. 202001957001115-ижро 3 дона буюм, бошланғич баҳоси – 4 702 503,00 сўм.	хатига асосан 591 328,30 сўм.
5. 202001957001160-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 386 252,32 сўм.	17. 202001957001148-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 696 162,26 сўм.	хатига асосан 1 897 162,07 сўм.	34. 202001957001131-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 401 101,47 сўм.	хатига асосан 1 822 365,79 сўм.	51. 202001957001114-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 591 328,30 сўм.	хатига асосан 544 737,00 сўм.
6. 202001957001214-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 948 737,00 сўм.	18. 202001957001147-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 897 162,07 сўм.	хатига асосан 1 009 348,23 сўм.	35. 202001957001130-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 822 365,79 сўм.	хатига асосан 813 285,50 сўм.	52. 202001957001113-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 544 737,00 сўм.	хатига асосан 544 737,00 сўм.
7. 202001957001158-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 959 764,64 сўм.	20. 202001957001145-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 521 548,52 сўм.	хатига асосан 1 521 548,52 сўм.	36. 202001957001129-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 813 285,50 сўм.	хатига асосан 412 197,12 сўм.		
8. 202001957001157-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 439 192,00 сўм.	21. 202001957001144-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 456 171,92 сўм.	хатига асосан 456 171,92 сўм.	37. 202001957001128-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 412 197,12 сўм.	хатига асосан 924 123,30 сўм.		
9. 202001957001156-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 798 498,49 сўм.	22. 202001957001143-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 864 727,73 сўм.	хатига асосан 1 358 750,34 сўм.	38. 202001957001127-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 924 123,30 сўм.	хатига асосан 398 307,20 сўм.		
10. 202001957001155-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 358 624,30 сўм.	23. 202001957001142-ижро 3 дона буюм, бошланғич баҳоси – 421 447,11 сўм.	хатига асосан 421 447,11 сўм.	39. 202001957001126-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 398 307,20 сўм.	хатига асосан 438 242,60 сўм.		
11. 202001957001154-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 2 336 864,80 сўм.	24. 202001957001141-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 536 640,11 сўм.	хатига асосан 1 358 750,34 сўм.	40. 202001957001125-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 438 242,60 сўм.	хатига асосан 810 973,00 сўм.		
	25. 202001957001140-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 358 750,34 сўм.	хатига асосан 1 488 457,41 сўм.	41. 202001957001124-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 810 973,00 сўм.	хатига асосан 322 471,35 сўм.		
	26. 202001957001139-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 488 457,41 сўм.	хатига асосан 432 099,54 сўм.	42. 202001957001123-ижро 3 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 722 831,30 сўм.	хатига асосан 258 533,30 сўм.		
	27. 202001957001138-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 432 099,54 сўм.	хатига асосан 1 073 881,64 сўм.	43. 202001957001122-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 258 533,30 сўм.	хатига асосан 1 722 831,30 сўм.		
	28. 202001957001137-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 073 881,64 сўм.	хатига асосан 1 073 881,64 сўм.	44. 202001957001121-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 322 471,35 сўм.	хатига асосан 844 252,50 сўм.		
			45. 202001957001120-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 844 252,50 сўм.	хатига асосан 844 252,50 сўм.		

«ZAR AUKSION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 26 ноябрь куни, соат 9.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар Сергели тумани, Шокирарик кўчаси, 100-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Сергели туманидаги хууссий нотариал идораси томонидан ёзилган 2020 йил 15 октябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган занжир, узук, биллакузук, зирак ва бошқалар) «Shokir invest» МЧЖ томонидан қўйилмоқда:	16. 2020019570001202-ижро 15 дона буюм, бошланғич баҳоси – 30 311 150,00 сўм.	хатига асосан 30 311 150,00 сўм.	37. 2020019570001223-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 405 050,00 сўм.	хатига асосан 405 050,00 сўм.	58. 2020019570001244-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 041 350,00 сўм.	хатига асосан 1 041 350,00 сўм.
1. 2020019570001184-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 096 294,00 сўм.	17. 2020019570001203-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 723 200,00 сўм.	хатига асосан 723 200,00 сўм.	38. 2020019570001224-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 147 400,00 сўм.	хатига асосан 1 147 400,00 сўм.	59. 2020019570001245-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 556 550,00 сўм.	хатига асосан 556 550,00 сўм.
2. 2020019570001185-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 266 782,00 сўм.	18. 2020019570001204-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 2 435 150,00 сўм.	хатига асосан 2 435 150,00 сўм.	39. 2020019570001225-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 056 500,00 сўм.	хатига асосан 1 056 500,00 сўм.	60. 2020019570001246-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 13 646 150,00 сўм.	хатига асосан 13 646 150,00 сўм.
3. 2020019570001186-ижро 3 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 218 140,40 сўм.	19. 2020019570001205-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 708 050,00 сўм.	хатига асосан 708 050,00 сўм.	40. 2020019570001226-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 783 700,00 сўм.	хатига асосан 1 783 700,00 сўм.	61. 2020019570001247-ижро 5 дона буюм, бошланғич баҳоси – 3 041 150,00 сўм.	хатига асосан 3 041 150,00 сўм.
4. 2020019570001187-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 835 099,92 сўм.	20. 2020019570001206-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 344 450,00 сўм.	хатига асосан 344 450,00 сўм.	41. 2020019570001227-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 3 041 150,00 сўм.	хатига асосан 3 041 150,00 сўм.	62. 2020019570001248-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 602 000,00 сўм.	хатига асосан 602 000,00 сўм.
5. 2020019570001188-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 2 891 451,84 сўм.	21. 2020019570001207-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 526 150,00 сўм.	хатига асосан 1 526 150,00 сўм.	42. 2020019570001228-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 586 850,00 сўм.	хатига асосан 586 850,00 сўм.	63. 2020019570001249-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 465 550,00 сўм.	хатига асосан 1 465 550,00 сўм.
6. 2020019570001189-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 402 141,20 сўм.	22. 2020019570001208-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 920 150,00 сўм.	хатига асосан 920 150,00 сўм.	43. 2020019570001229-ижро 3 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 147 400,00 сўм.	хатига асосан 1 147 400,00 сўм.	64. 2020019570001250-ижро 4 дона буюм, бошланғич баҳоси – 2 389 700,00 сўм.	хатига асосан 2 389 700,00 сўм.
7. 2020019570001190-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 099 041,20 сўм.	23. 2020019570001209-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 526 150,00 сўм.	хатига асосан 1 526 150,00 сўм.	44. 2020019570001230-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 904 900,00 сўм.	хатига асосан 1 904 900,00 сўм.	65. 2020019570001251-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 980 650,00 сўм.	хатига асосан 1 980 650,00 сўм.
8. 2020019570001191-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 555 095,60 сўм.	24. 2020019570001210-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 404 950,00 сўм.	хатига асосан 1 404 950,00 сўм.	45. 2020019570001231-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 753 500,00 сўм.	хатига асосан 753 500,00 сўм.	66. 2020019570001252-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 601 900,00 сўм.	хатига асосан 1 601 900,00 сўм.
9. 2020019570001193-ижро 3 дона буюм, бошланғич баҳоси – 3 807 134,00 сўм.	25. 2020019570001211-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 2 132 150,00 сўм.	хатига асосан 2 132 150,00 сўм.	46. 2020019570001232-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 435 350,00 сўм.	хатига асосан 435 350,00 сўм.	67. 2020019570001253-ижро 6 дона буюм, бошланғич баҳоси – 3 616 850,00 сўм.	хатига асосан 3 616 850,00 сўм.
10. 2020019570001194-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 303 020,80 сўм.	26. 2020019570001212-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 526 150,00 сўм.	хатига асосан 1 526 150,00 сўм.	47. 2020019570001233-ижро 2 дона буюм, бошланғич баҳоси – 7 737 650,00 сўм.	хатига асосан 7 737 650,00 сўм.	68. 2020019570001254-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 1 526 150,00 сўм.	хатига асосан 1 526 150,00 сўм.
11. 2020019570001195-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 540 794,00 сўм.	27. 2020019570001213-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 3 344 150,00 сўм.	хатига асосан 3 344 150,00 сўм.	48. 2020019570001234-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 405 050,00 сўм.	хатига асосан 405 050,00 сўм.	69. 2020019570001255-ижро 1 дона буюм, бошланғич баҳоси – 435 350,00 сўм.	хатига асосан

ФАРМОН ВА ИЖРО

Олий таълимда кредит-модуль тизимининг ўзига хос жиҳатлари

Президентимиз 2019 йил 8 октябрда «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли фармони имзолади. Унда амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасасининг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим муассасаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилган.

Ҳўш, бундан механизм қай даражада фойда келтиради ва янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларига эришишида қандай самара беради?

Кредит-модуль тизими, бу таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади.

Унда иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш. Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш; битта фан, курс (кредит)нинг қийматини аниқлаш; талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;

талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда

тузишларига имкон яратиш;

таълим жараёнида мустақил таълим олишнинг улушини ошириш;

таълим дастурларининг қулайлиги ва меҳнат бозорига мутахассисга қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкинлиги.

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир.

Модуль бу, бир нечта фан ҳамда курслар ўрганиладиган ўқув режасининг бир қисми. У талабаларда маълум бир билим ва кўникма ҳосил қилиш, таҳлилий-мактиқий мушоҳада юритиш салоҳиятига эга бўлишига қаратилган фанлар (курслар) мажмуасидир.

Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қилади, талабанинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Талаба эса мавзунини мустақил ўрганади, топшириқларни бажаради. Хорижий тажрибига кўра, кредит-модуль тизимида ўқув жараёни ҳар семестрда 2-4 тагача модулдан иборат бўлади. Модулда жамланган фанлар оsonдан мурраккаблик сари, назарий-услубий фанлардан амалий фанларга қараб бир-бирини тўлдириш принципи асосида шакллантирилади.

Талабадан мутахассис бўлиб шаклланиши учун нафақат ахборотлар, балки уларни қайта ишлаш, амалитга жорий қилишга эга бўлиш ҳам талаб этилади.

Модулга асосланган ўқув дастурлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўқув мақсади ва вазифаларнинг тўлиқ очиб берилиши;

талабанинг фан(курс)ни бошлаши ва тугатишидан кейинги орттириши лозим бўладиган малакасига қўйилладиган талабар;

модуль таркибига кирган ҳар бир фаннинг қисқача мазмун (силлабус), яъни маъруза, амалий машғулот ва семинар мавзуларининг режаси ҳамда мустақил таълимни баҳолаш учун мўлжалланган топшириқлар; ўқитишнинг қисқача баёни: таълим бериш усул ҳамда воситалари;

билимларни баҳолашнинг усул ва шаклларидан иборат.

Модуль асосида ўқитишда рейтинг баҳолаш тизимидан фойдаланилади.

Кредит (credit) – талабанинг алоҳида таълим йўналиши ёки дастури (курс) бўйича фанларни ўзлаштириши учун сарфланган ўқув юкламасининг ўлчов бирлигидир.

Кредит – талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, ҳафта давомида аудиторияда таълим олиши учун ажратилган минимал вақт ўлчовидир. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажариб, якуний имтиҳондан ўтгандан сўнг берилади. Ҳар бир талаба танлаган мутахассислиги бўйича диплолга эга бўлиши учун кредитларни йиғиб бориши лозим. Иқтисодий тилда айтганда, тўпланган кредит талабанинг академик «активи»га айланиб боради.

Кредит тўплаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериб, танлаган соҳасининг рақобатбардош мутахассиси бўлиб етишиши учун имкониятдир.

Болонья декларациясида кўзда тутилганидек, кредит-модуль тизими иккита функцияни бажаришга хизмат қилади:

биринчиси, талабалар ва ўқитувчиларнинг мобиллигини, яъни бир олий таълим муассасасидан бошқа ОТМга тўсиқларсиз, эркин равишда ўтишини таъминлайди;

иккинчиси, талабанинг танлаган таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича барча ўқув ва илмий фаолияти учун академик юклама – кредит аниқ ҳисоблаб борилади.

Бугунги кунда Болонья тизимининг аҳамияти бўйича турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Ушбу тизимни яратиш учун ўтган асрнинг 70-йилларидан Европадаги барча олий таълим муассасаларининг интеграциясини таъминлаш, олий таълимнинг ягона стандартини яратиш, талабалар ва ўқитувчилар мобиллигини йўлга қўйиш, дипломларни тан олиш, талабалар билими, малакаси ҳамда кўникмасига қўйиладиган балларни унификация қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ечишга қаратилган ҳаракатлар бошлаб юборилади.

Мазкур ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, 1999 йилда Италиянинг Болонья шаҳрида 29 та мамлакат вакиллари томонидан Болонья декларацияси имзоланди.

Бугунги кунга келиб, Болонья жараёнида 48 та мамлакат иштирок этади. Уларнинг орасида МДХ мамлакатларидан ҳам кўпгина республикалар бор.

Болонья тизими икки босқичда амалга оширилади: уч йилдан кам бўлмаган муддатда бакалаврларни тайёрлаш;

1-2 йиллик магистратура босқичи. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кредит тизимини жорий этишда Европанинг ECTS тизимидан фойдаланишга устуворлик қаратпти. Шу боис, унинг афзал жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Болонья декларациясининг энг муҳим жиҳатларидан бири олий таълим муассасаларининг ягона «кредит тизими» дан фойдаланиш (ECTS)га асосланади.

Масалан, талаба таълим олаётган университетидан эгаллаган академик билимларини шу тизимга аъзо мамлакатлар олий таълим муассасаларида тан олинишини, яъни ўзига хос «конвертацияси» ни қафолатлайди. Шу билан бирга, мазкур тизим аъзоларига талабаларни бошқа ОТМга ўқишини тиклаш, кўчириш ва тугатиш имкониятини беради.

ECTS тизими университетларга ҳам бир қатор қулайликларни тақдим этади. Чунончи, маълум бир таълим йўналиши ва мутахассисликлар кесимида ўқув жараёни ҳақидаги ахборотларни аниқ акс эттирувчи ўқув режаларининг ўқшашлиги ҳамда ягоналигини таъминлайди. Келишиб олиш имконини беради. Европа таълим тизимида ўқув курслари ва барча таълим жараёни кредитларда, Ўзбекистон ҳамда МДХнинг бошқа мамлакатларида эса академик соатларда ҳисобланиб келинади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг 33 та олий таълим муассасасида кредит-модуль тизимига ўтиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб боришмоқда.

«Эл-норт умиди» жамғармаси томонидан мунтазам равишда хорижий олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот иши ва педагогик фаолият билан шуғулланаётган, айнан кредит-модуль тизимини яқиндан биладиган ватандошлар томонидан семинарлар ташкил этилиб келинаётгани бунга мисолдир.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими фаолият юритмоқда. Ушбу бўлим томонидан 2020/2021 ўқув йилидан институтда ўқитиладиган барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ECTS кредит-модуль тизимига тўлиқ трансформациясини амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, институтда бакалаврият босқичида бир семестрда ўқиш 15 ҳафта ва аттестация учун 6 ҳафта ажратилмоқда. Шунда 4 йилда ўқиш ҳафталари сони 144 тани, аттестациялар 24 ҳафтани ҳамда умумий таътиллار билан ҳисоблаганда жами 204 ҳафтани ташкил этади.

ECTS талабидан келиб чиқиб, талабага ҳар йили 60 кредитдан 4 йил ичида жами 240 кредитни тўплаш мажбуриятини юклаш режалаштирилмоқда. Шунда талаба 4 йил давомида маъруза, амалий ҳамда лаборатория машғулотлари ва имтиҳон жараёнларида иштирок этишга 2880 соат, мустақил таълимга 4320 соат, жами 7200 соат вақт сарфлаши лозим бўлади.

Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлиқда ишлашга муҳим омил ҳисобланади. Энг катта урғу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади. Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажақда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модуль ўқитиш тизимига ўтиш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабани ҳам оширади.

Ушбу тизим бизнинг дунёқарашимиз, шарт-шароит, баркамол инсонни вояга етказишга қаратилган қадриятларимизга тўла-тўқис мос келади, дегани ҳам эмас. Шу сабабли, ўқув жараёнининг фаол элементлари ҳисобланиш профессор-ўқитувчи ва талабанинг ҳам бу борадаги қарашларини ўзгартириш, мазкур тизим талабаларини уларга сингдиришимиз ҳамда ўзига хос маданиятни шакллантиришимиз даркор.

Исломбек ДАВЛЕТОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти
Қурилишда менежмент кафедраси мудир,
иқтисод фанлари номзоди, профессор,
Ойбек МАМАНАЗАРОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти
Қурилишда менежмент кафедраси профессори,
иқтисод фанлари номзоди,
Абдувоси НАЗИРОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти
Қурилишда менежмент кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди.

Ҳар бир касб ва ҳунарнинг санъат даражасига етиши замирида машаққатли меҳнат мужжасам. Шу маънода шаҳарсозликнинг янада равнақ топишига муносиб ҳисса қўшаётган инсонларни ҳақиқий нозик дидли меъморлар, дейишга ҳақлимиз. Зеро, халқ амалий санъати шу қадар бой ва ранг-барангли, унинг ҳар бир йўналиши ижодкордан қобилият, сабр-тоқат талаб этади. Жумладан, ганчкорлик ҳам. Умрини ганчкорлик санъатига бахшида этиб келаётган уста Абдурахим Умаров ҳам меҳнати ортидан қадр топган инсонлардан.

Меъморчилик санъати ҳонқуяри

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдурахим Умаров халқимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлаш, халқ амалий безак санъатини замонавий меъморчиқда қўллаб, унга миллий руҳ бериш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда.

– Ганчкорлик Ўзбекистон меъморчилик-безак санъатининг қадимий турларидан бири бўлиб, XX асрга келиб Хива, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон каби шаҳарлар унинг асосий марказларидан ҳисобланади, – дейди у. – Бу- халқ амалий-безак санъатининг бошқа турларига қараганда, меъморчилик санъати билан узвий боғлиқ. Чунки ганчкорлик азалдан сарой, масжид ва мадраса бинолари ҳамда уй-жойларни безаб турган. Дастлаб, қурилишларда маҳаллий мактабларга хос анъаналар билан боғлиани кучли бўлган. Ҳар бир йўналишнинг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент мактаби бор. Ҳозирги вақтда ганчкорлик амалий-безак санъатининг муҳим тури бўлиб, унинг Ўзбекистондаги меъморчилик иншоотларини безашдаги аҳамияти катта.

Абдурахим Умаровнинг болалик таассуротлари сифатида эски шаҳар бозорлари, ҳунармандчилик устaxonалари, меъморий қурилмалар, бетакор безатилган ганч нақшлари ёдида қолди. Қўллаб тенгдошлари сингари у 12 ёшидан пойтахтдаги «Ўқувчилар уйи»да ганч ўймакорлиги тўғрагига қатнади. Машғулотларни машҳур уста Маҳмуд Усмонов бошқарган. Мехрибон, донишманд, иқтидорли, ҳаётий ва ижодий тажрибага эга уста Маҳмуд Усмонов ёшларга сабр билан ҳунар ўргатди, ганч ўймакорлиги санъати орқали ёдгорликларга муҳаббатини улашди. «Устоз-шо-

Аммо ганчкорликка бўлган муҳаббат уни Тошкент керамика комбинати ҳамда Тошкент ҳайкалтарошлик ва маҳобатли санъат тажриба комбинатига етаклади. У ерда ишлаш баробарида пойтахтнинг машҳур объектларида ганч ўймакорлигига ўз ҳиссасини қўшди. Тошкент метрополитенининг «Новза», «Ёшлик», «Пахтакор» бекатлари, Ўзбекистон Бадий Академиясининг марказий кўрағамалар зали, Санъат музейи ва қўллаб маъмурий биноларнинг безатилишида унинг хизматлари бекиёс.

Меъморий ечим ва безаш уйғунлигини яхши билувчи иқтидорли ганчкор-

бошқариб, Ўзбекистоннинг маҳобатли декоратив санъати ривожига катта ҳисса қўшди.

Меъморий иншоотларни безатишда ганч ва ёғоч ўймакорлиги, наққошлик

Абдурахим Умаровни ижодкор сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам яхши билганим учун у ҳақида кўп илиқ ва яхши гаплар айта оламиз. У анъанавий амалий санъатимизнинг энг гўзал турларини мукаммал эгаллаб, меъморчиликнинг ажралмас қисми ҳисобланган безатиш санъати устаси. Абдурахим Умаров пойтахтимизнинг муҳим аҳамиятга эга биноларида ҳамда мамлакатимизда мавжуд қўллаб қадамжоларга миллий меъморчиликнинг намуналарини асосида қайта жон бахш этмоқда.

Жавлон УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ rassomi,
Ўзбекистон Бадий Академияси академиги, профессор.



гирд» анъанасига содиқ қолган ҳолда тажрибаларини шоғирдларига улашади. Тошкент Политехника институтининг Меъморчилик факультетини тугатган қаҳрамонимиз кафедрада ассистент сифатида фаолият юрита бошлайди.

уста Абдурахим Умаров 1980 йилларда ўзини моҳир ташкилотчи сифатида намоён этди. 1985 йилдан 1997 йилгача у «Усто» халқ усталари бирлашмасини, 1997 йилдан эса Республика «Усто» ижодий ишлаб чиқариш уюшмасини

Абдурахим Умаровнинг ижодий фаолиятидаги мақсади халқ амалий санъати ва меъморчиликдаги ўзига хосликни, услубий мактабнинг қиёфаси ва хусусиятларини сақлаб қолиш ҳамда уларни замонавий иншоотларда оқилона қўллашдан иборат бўлиб, булар чуқур билим ва қўлдан талаб этади. Бутун ҳаёти давомида илм ўрганиб, ўргатиб келаётган устанинг фаолияти таҳсинга сазовор.

Акмал НУР,
Ўзбекистон халқ rassomi,
Ўзбекистон Бадий академияси раиси.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.